

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИСМАТУЛЛАЕВ АБДУМАННАБ ТУРСУНБАЕВИЧ

ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА
ЯРАТИЛГАН ТАЖВИД ИЛМИГА ОИД МАНБАЛАР

24.00.02. – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Historical Sciences**

Исматуллаев Абдуманнаб Турсунбаевич

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ҳудудида яратилган тажвид
илмига оид манбалар.....3

Исматуллаев Абдуманнаб Турсунбаевич

Sources of tajwid science created in Turkestan at the end of XIX and beginning of
XX centuries.....25

Исматуллаев Абдуманнаб Турсунбаевич

Источники науки о тажвиде, созданные на территории Туркестана в конце XIX
начале XX веков..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

list of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019. Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИСМАТУЛЛАЕВ АБДУМАННАБ ТУРСУНБАЕВИЧ

**ХІХ АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА
ЯРАТИЛГАН ТАЖВИД ИЛМИГА ОИД МАНБАЛАР**

24.00.02. – Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Is15 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iiu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уватов Убайдулла Муродович

тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқов Қосимжон Фозилович

филология фанлари доктори, профессор

Умаров Шукурилло

Хурсандмуродович тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Абу Райҳон Беруний номидаги

Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019. Isl/Tar./F.57.01 рақамли Илмий кенгаши БИММ платформасининг 2020 йил «_____» декабрь соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70), Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@iiu.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91).

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил «30» ноябрдаги 9-рақамли реестр баённомаси)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тарих фанлари номзоди,
доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда «Улум ал-Қуръон» (علوم القرآن) – Қуръон илмлари доирасида комплекс тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қуръоншуносликдаги муҳим соҳалардан саналган «қироат» (قراءة) – Қуръонни араб тилига мос турли услубларда ўқиш ҳамда «тажвид» (تجويد) – тўғри ўқиш қонун-қоидалари ўзининг мустақкам илмий асосларига эгалиги билан ажралиб туради. Ушбу илмлар асрлар оша ислом олимлари томонидан тизимлаштирилиб, асос ва қоидалари тўлиқ шакллантирилган. Аслида, Қуръон адабий араб тилида, тил лаҳжаларига мос равишда нозил қилинган бўлиб, ўқувчиларга енгиллик яратиш мақсадида турли қироатлар асосида тиловат қилиш амалиёти, тўғри талаффуз қилиш учун эса, ҳарфларни ифода қилиш тартиблари ҳам жорий этилган. Ўн беш аср мобайнида узлуксиз, оғзаки ҳамда ёзма шаклда давом этиб келаётган «устоз-шогирд» анъанаси ушбу амалиёт ва қоидаларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Жаҳонда Қуръоннинг тажвид қоидалари ва қироат услубларини махсус ўрганадиган алоҳида мактаблар, марказлар фаолият олиб бормоқда. Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон каби бир қатор давлатларнинг илмий муассасаларида қироат ва тажвиднинг амалий томонлари ўрганилиши билан бир қаторда, унинг назарий жиҳатлари ҳам тадқиқ қилинади. Уларда салкам минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида вужудга келган илмий адабиётлар, шунингдек, Амир Темур даврида Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган Имом Жазарий сингари йирик олимларнинг асарлари ҳам тадқиқ қилинди. Юртимиз ҳудудида ўрта асрлар ва сўнгги даврларда ёзилган асарларнинг Марказий Осиё минтақасида кенг тарқалиши ва асосий адабиётлар қаторида ўқитилиши уларнинг кадри юксаклигидан далолат беради. Бироқ XIX асрдан кейин яшаган олимларнинг китоблари махсус тадқиқ этилмагани ушбу асарларни ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ислом манбашунослиги билан боғлиқ илмларни чуқур ўрганишга кенг шароитлар яратилмоқда. Айниқса, қироат ва тажвид илмлари тарихи ҳамда уларга оид манбаларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бунда «Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат»¹ тўғрисидаги фикрлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш ўринлики, Мовароуннаҳрда қироат ва тажвид илмлари бошқа соҳалар каби тараққий этган эди. XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Туркистон²да тажвидга оид бир қатор муҳим манбалар яратилди. Уларда нафақат Қуръонни ўқиш қоидалари, балки ўша даврдаги илмий муҳит, олимлар фаолияти, одамларнинг дунёкараши ва қизиқишлари, туркий тилнинг тажвид

¹ Қуръон қалбларга нур олиб киради // Халқ сўзи. 2018 йил, 17 февраль. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/13374-1>; Қалбларга инган тароват // Маърифат. 17.02.2018.; <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/manaviat/170218.htm>; Элимизга нур келади // Ўзбекистон овози. 22.02.2018. http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php/ELEMENT_ID=52437

² XIX аср охирларига келиб, Мовароуннаҳр ўрнига Туркистон атамаси, асосан, Туркистон генерал губернаторлигига нисбатан оммалашган. Гарчи Бухоро амирлиги учун – бухоролик, Хива хонлиги учун – хивалик/хоразмлик деган тушунча мавжуд бўлса-да, бироқ, мазкур тадқиқотда Туркистондан, асосан, Ўзбекистон ҳудуди назарда тутилди. Чунки, тадқиқотда кўриб чиқилган даврда Ўзбекистон атамаси қўлланилмагани боис ҳам Мовароуннаҳр ва Туркистон номлари ишлатилди.

китобларига ҳам кириб боргани ҳақидаги қимматли маълумотлар акс этган. Бу эса аждодларимизнинг Қуръон тажвидига оид асарларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотнинг манбавий асосини кироат ва тажвидга оид асарлар ташкил этади.

Ғарб олимлари томонидан тажвид илмига оид бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Кристина Нелсон, Др. Абдул Мажидхан кабилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда тажвиднинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда Қуръонни тажвидга мувофиқ ўқиш учун зарурий бўлган кўрсатмалар тадқиқ қилинган³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тадқиқотчиларидан Ч.А.Стори, С.М.Прозоров, А.Б.Халидов, Е.А.Резван, Г.Р.Аганина, З.А.Имамутдинова, Р.Р.Сафиуллина, М.Ф. Муртазин кабиларнинг ёзган асарларида Қуръонни тўғри ўқиш қоидалари, ҳарфларнинг махраж (ҳосил бўлиш ўрни) ва сифатлари ҳақида маълумотлар берилган⁴.

Араб олимлари ва тадқиқотчиларидан: Муҳаммад ибн Жазарий, Жалолиддин Суютий, Ибн Ақила Маккий, Абу Амр Доний, Ибн Мужоҳид, Шамсиддин Заҳабий, Али Қори, Илмиддин Саҳовий, Абу Аббос Қасталоний кабиларнинг асарларида эса кироат ва тажвидга оид илмлар, ундаги қонун-

³ The Art of Reciting the Qur'an by Kristina Nelson, American University in Cairo Press (Cairo, NY), 2001.; F.M. Denny, Tajwid // Encyclopaedia of Islam, Second Edition. — Leiden : E. J. Brill, 2000. — Vol. X (Tā'—U). (англ.); Tajwid: The Art of Recitation of the Holy Qur'an by Dr. Abdul Majid Khan, Tughra Books 2013.; "Theory and Practice of Tajwid," Encyclopedia of Arabic Language and Linguistics, IV, Leiden, Brill, 2007 (or still in press).

⁴ Стори Ч.А. Персидская литература. Биобиблиографический обзор. Пер.с англ., переработал и дополнил Брегель Ю.Э. В трех частях. — Москва, 1972; Прозоров С.М. Арабская историческая литература в Ираке, Иране и Средней Азии в VII и середине X в. Шиитская историография. — Москва: ГРВЛ, 1980.; Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция, — Москва, 1985; Резван Е.А. Коран и его мир. - СПб.: «Петербургское Востоковедение», Санкт-Петербург, 2001. — 608 с.; Аганина Г.Р. Орфоэпия рецитации Корана: диссертация...кан.фил.наук. Москва, 2007. — 301 с.; Имамутдинова З.А. Чтение Корана и проблемы артикулирования // Вестник Челябинского государственного университета. 2009. № 35 (173). Филология. Искусствоведение. Вып. 37. — С. 173-181.; Сафиуллина Р.Р. История науки таджвид в Татарстане // Тюркологические исследования. 2019; 2(1). — С. 130-138.; М.Ф. Муртазин, Таджвид как традиция украшения Корана // Корановедение: Учебное пособие / Э.Р. Кулиев и М.Ф. Муртазин. — М. : Изд-во МИУ, 2010. — С. 97-100.

қоидалар кенг ёритилганини таъкидлаб ўтиш лозим⁵.

Юртимиз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Қуръон илмлари» номли китобининг тўртинчи боби кироатлар ҳамда қориларга бағишланган. Р.Обидовнинг «Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти» ва «Ўрта Осиё олимларининг тафсир соҳасидаги хизматлари» номли монографияси, Д.Махсудовнинг «Тафсир илмига кириш» номли ўқув қўлланмаси, А.Абдуллаевнинг «Қуръоншунослик» ўқув қўлланмаси, муаллифлар жамоасининг «Қуръоншуносликка оид илмлар» номли ўқув қўлланмаси ҳамда Ҳ.Кароматов ва Б.Ҳасановнинг Қуръон ва Қуръон илмларига оид тадқиқотларида келтирилган маълумотларни қайд этиб ўтиш лозим⁶.

Мустақиллик йилларида тажвид илмини ўрганишга нисбатан талабнинг ортиши натижасида XX аср бошида яратилган туркий тажвидлар, хусусан, маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов ҳамда Абдувоҳид қори Абдурауф ўғлининг ушбу илмга оид асарлари доирасида рисола ҳамда илмий мақолалар нашр этилди. Мунаввар қорининг маърифатпарварлик ишлари ва сиёсий фаолияти С.Аъзамхўжаев ва бошқалар томонидан очиб берилди⁷.

Шунингдек, А.Ҳикмат, А.Миноваров, А.Салоҳиддин, Р.Мирзақосим каби тадқиқотчилар томонидан «Тажвид» деб номланган рисоалар нашр этилди. М.Алихўжа қизининг «Қуръон ўқитиш қоидалари», Г.Қудратиллоҳ қизининг «Қуръон ўқитиш ва ёдлатиш усуллари» китоблари, Ж.Неъматовнинг «Тартил»

⁵ Ибн ал-Жазарий. Манзума ал-Муқаддимат ал-жазарийя. – Жидда: Дор Нур ал-мактабот, 2006. – 34 б.; Ибн ал-Жазарий. Ғоят ун-нихоя фи табакот ал-қурро. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006. – 500 б.; Ибн ал-Жазарий. Ат-Тамҳид фи илм ат-тажвид / Таҳқиқ: Ғоним ал-Қудурий. – Байрут: Муассаса ар-Рисола, 1986. – 200.; Жалолиддин ас-Суютий. Ал-Итқон фи улум ал-Қуръон. 4 жилд / Таҳқиқ: Муҳаммад Абулфазл Иброҳим. – Саудия: Визорат шуун ал-исломийя ва-л-авқоф, 1967. – 332 б.; Ибн Ақила ал-Маккий. Аз-Зиёдат ва-л-Эҳсон фи улум ал-Қуръон. 9 жилд. – Иморот ал-арабия ал-муттаҳида: Жомеъа аш-Шориқа, 2006. – 511 б.; Абу Амр ал-Доний. Ат-Таҳдид фи-л-итқон ва-т-тажвид. – Уммон: Дор Аммор, 2000. – 201 б.; Абу Амр Доний. Ал-Мунаббиха фи-л-ҳазки ва-л-итқони ва сифат ат-тажвид. – Мағриб: ал-Хизона ал-Хусайния, 1950. – 25 б.; Ибн Мужоҳид. Китоб ас-Саъба фи-л-қироат. – Миср: Дор ал-Маориф, 1972. – 787 б.; Шамсиддин аз-Заҳабий. Тазкират ал-хуффо. 4 жилд. – Ҳиндистон: Доират ал-маориф ал-усмония, 1957. – 400 б.; Али ал-қори. Ал-Минаҳ ал-фикрия ғала матн ал-жазария. – Миср: Маймания, 1904. – 82 б.; Илмиддин ас-Саҳовий. Жамол ал-қурро ва камол ал-икро. – Макка: Мактаба ат-Турос, 1987. – 768 б.; Абу-л-Аббос ал-Қасталоний. Латоиф ал-ишорот ли-фунун ал-қироот. 10 жилд. – Мадина: Мажмаъ ал-Малик, 2012. – 5182 б.; Қаранг: Иброҳим ибн Саид Дусирий. Мухтасар ал-иборот ли-мўъжам мусталаҳот ал-қироат мин ат-тажвид вал-л-қироат. – Риёз: Дор ал-Ҳазора, 2008. – 700 б.; Иброҳим Муҳаммад Жармий. Мўъжам улум ал-Қуръон. – Дамашқ: Дор ал-Қалам, 2001. – 500 б.; Қаранг: Иброҳим ибн Саид Дусирий. Мухтасар ал-иборот ли-мўъжам мусталаҳот ал-қироат мин ат-тажвид вал-л-қироат. – Риёз: Дор ал-Ҳазора, 2008. – 700 б.; Иброҳим Муҳаммад Жармий. Мўъжам улум ал-Қуръон. – Дамашқ: Дор ал-Қалам, 2001. – 500 б.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1995; Ҳасанов Б. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли лугати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.; Ҳасанов Б. Қуръон илмлари: Қуръони карим, қироат илми, тажвид илми. – Т., 2000.; Қуръон илмлари / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: “Nilol-Nashr” нашриёти, 2013.; Обидов Р. Қуръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 60-145; Обидов Р. Қуръон ва тафсир илмлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.; Махсудов Д. Тафсир илмига кириш (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Qaqnus Media, 2019. – 260 б.; Қуръоншунослик (ўқув қўлланма) / тузувчи: А.Абдуллаев; масъул муҳаррир: З.Исломов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.; Қуръоншуносликка оид илмлар (матн) / А.Абдуллаев ва бошқалар; масъул муҳаррир: И.Усмонов. – Т.: “Мовароуннахр”, 2016.

⁷ Аъзамхўжаев С. Туркистон мухорияти миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 170 б.; Абдулваҳҳоб Ўқтой. Устозимиз Мунаввар қори // Гулистон. – № 1. – Тошкент, 2001. – Б. 55; Абдувоҳид қори Абдурауф ўғли. Возиҳ ат-тажвид / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифлари: Исмоилов М., Исмоилов Ҳ. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2017. – 64 б.

(Қуръон ўқиш қоидалари) ҳамда «Тартил асослари ал-Муқаддима ал-Жазарийя шарҳи», Жаҳонгир Убайдуллоҳнинг «Қироат ва тажвид фанидан қўлланма», О.Юнусхон ўғли ва З.Раҳимнинг «Тажвид қоидалари», О.Муҳаммад Юсуфнинг «Муфасссал тажвид» каби асарларида Қуръонни тажвидга мувофиқ тиловат қилиш учун керак бўладиган зарурий қоидалар, ҳарфларнинг маҳраж ва сифатлари мисоллар ёрдамида батафсил ёритиб берилган⁸.

Юқоридагилар билан бир қаторда, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ҳудудида яратилган тажвид илмига оид манбалар ҳали комплекс тарзда тадқиқ этилмагани, уларда ёритилган масалалар илмий жамоатчиликка тақдим қилинмаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Тадқиқот доирасида, асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти⁹ фондида сақланаётган XIX аср охири – XX аср бошларига мансуб 10 дан зиёд қўлёзма ва тошбосма нусхалар¹⁰ дан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида яратилган тажвид илмига оид манбаларнинг аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тажвид ва қироат илмларини ўрганишнинг назарий-методологик асосларини очиб бериш;

Мовароуннаҳрда тажвид ва қироат илмларининг шаклланиши ва ривожини таҳлилини амалга ошириш;

XIX аср охири – XX аср бошларида тажвид илмининг Туркистондаги ривожини ўрганиш;

Қироат илми билан шуғулланган олимлар ҳаёти ва илмий фаолиятини

⁸ Рафиқжон қори Хурсанд ўғли. Қуръоний олтин силсила. Ижозали қорилар сийрати. – Тошкент: «Qadus Media», нашриёти, 2019. Мазкур ижозатнома матни диссертацияга илова қилинган.; Тажвид / Нашрга тайёрловчи: Ҳикмат А. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. – 60 б.; Тажвид / Нашрга тайёрловчи: Миноваров А. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001. – 84 б.; Салоҳиддин А., Мирзақосим Р. Тажвид. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 96 б.; Ҳабибулло Солиҳ. Тиловат фазилатлари ва тажвид. – Тошкент, 1994. – 48 б.; Талъат Муҳаммад Афиий. Қуръон қориларига насиҳатнома / Араб тилидан таржима қилувчи: Бекназар Муҳаммад Шукур. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 60 б.; Мунаввара Али хўжа кизи. Қуръон ўқиш қоидалари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 100 б.; Гулобод Қудратиллоҳ кизи. Қуръон ўқитиш ва ёдлатиш усуллари. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. – 200 б.; Тартил асослари (Ал-Муқаддима ал-Жазарийя шарҳи) / таржимон ва нашрга тайёрловчи Жаҳонгир Неъматов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2018. – 312 б.; Тартил (Қуръон ўқиш қоидалари) / Тузувчи Жаҳонгир Неъматов;– Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 92 б.; Жаҳонгир Убайдуллоҳ. Қироат ва тажвид фанидан қўлланма. – Тошкент: «Sharq» нашриёти, 2020. – 400 бет; Одиҳон қори Юнусхон ўғли ва Зиёвуддин Раҳим. Тажвид қоидалари. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 152 б.; Одинахон Муҳаммад Юсуф. Муфасссал тажвид. – Тошкент: Hilol Nashr, 2014. – 200 б.

⁹ Бундан кейинги ўринларда ЎЗР ФА ШИ.

¹⁰ Жумладан, булар учун қаранг: Тасҳил ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, № 399), Тухфат ал-атфол (ЎЗР ФА ШИ, № 590), Асҳал ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, № 698), Тухфат ас-сибён (ЎЗР ФА ШИ, № 671), Фатҳ ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, № 732), Мунтахаб ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, № 590), Жомеъ ал-қори (ЎЗР ФА ШИ, № 301), Нақд ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, №733), Возиҳ ат-тажвид (ЎЗР ФА ШИ, №591), ат-Тажвид ал-Муҳаммадий (ЎЗР ФА ШИ, №6457/VI).

тадқиқ этиш;

Туркистонда қироат илми ҳамда шаклланган маҳаллий услуб ва ёндашувларни аниқлаш;

Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида ёзилган тажвид илмига оид манбалар тавсифини қилиш;

XIX аср охири – XX аср бошларидаги тажвид илмига оид асарларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

Туркистондаги қироат илми манбаларида тажвид қоидалари берилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги тажвид илми.

Тадқиқотнинг предмети Туркистон ўлкасида яратилган тажвидга оид рисоалар ҳамда улардаги қараш ва қоидаларнинг хослигидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, қиёсий таҳлил (*comparative analysis*), шунингдек, қўлёзма ва тошбосма манбаларни тадқиқ этишда палеографик (*paleografic*) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

ўрта асрларда Мовароуннахрда Қуръон қироати илми кенг тараққий этгани, ҳудуддан етти хил қироатга оид чуқур билимларга эга Ҳофиз Дўстмуҳаммад, Ҳофиз Бадриддин Бухорий, Ёрмуҳаммад Самарқандий сингари етук олимлар етишиб чиққани, уларнинг “Қавоид ал-Қуръон”, “Дуррат ал-фарид”, “Мажмаъ ал-ажойиб” номли асарлари Марказий Осиё минтақасида асосий дарслик сифатида кенг фойдаланилгани исботланган;

ислом оламида шуҳрат қозонган “етти қироат”ни ўргатишга ихтисослашган «шотибийхона» махсус мактаблари XIX аср охирида ҳам Туркистонда фаолият олиб боргани, Бухорода жойлашган бундай машҳур мактаблардан бирида Абдуллоҳ хожа Аълам Бухорий ва Фаҳриддин Бухорийдек қироат илмининг етук намояндалари дарс бергани манбалар асосида аниқланган;

«Ҳирз ал-амоний» асари нафақат минтақада, балки мусулмон оламида ҳам қироат илмидаги муҳим қўлланмалардан бири ҳисобланиб, унинг 1914 йилда Тошкентда учта шарҳи билан бирга нашр қилинган 200 ададдаги нусхаси муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига мутахассис ва талабалар фойдаланишлари учун махсус юборилгани қўлёзма манбалар асосида далилланган;

XIX асрда Марказий Осиё мадрасаларида машҳур бўлган «Назм ал-қавоид» асарининг муаллифи ва ёзилиш даври манбаларда турлича кўрсатилишига қарамай, унинг исми Муҳаммад Зоҳид Ҳаравий, ёзилган даври XVII аср охири экани, XIX аср бошида эса, “Манзума ал-қавоид” номи билан туркий тилга шеърӣ таржима қилингани қўлёзмалар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаб, тажвид илми соҳасида ижод қилган олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар тўпланган;

тадқиқотда Ўзбекистон ҳудудида XIX аср охири – XX аср бошларида яратилган қироат ва тажвид илмларига оид асарларнинг Республика фонд ва кутубхоналарида сақланаётган XIX асрда яшаган Акмалхонтўра Тошкандий (1840-1884)нинг «Тажвид Умм ал-Китоб» манзумаси, XX аср бошларида яшаган бухоролик адиб, хаттот ва қироат олими Абдурахим қурро Торобий (1837-1905)нинг «Хужжат ал-воқифин», жадид маърифатпарвари Сиддиқий Ажзий Самарқандий (1864-1927)нинг «Тажвид ал-Қуръон ал-мажид» номли асарлари аниқланиб, илмий муомалага киритилган;

XX аср бошларидаги жадид мутафаккирлари қироат ва тажвид илмларига эътибор қаратиб, болалар учун мўлжалланган тажвид рисолаларини ҳам яратгани аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билдирилган фикр-мулоҳазалар қироат ва тажвид илмларига бағишланган асарларнинг ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди¹¹ ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида¹² сақланаётган қўлёзма ва тошбосма нусхаларига таянилгани билан асосланади¹³.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, унинг натижаларидан XIX аср охири – XX аср бошларида фаолият юритган қорилар ҳаёти ҳамда уларнинг илмий мероси бўйича назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда давлатчилик тарихи, ёзма маданий мерос манбаларини тадқиқ этиш, ёш авлодга етказиш, имом-хатиблар ва отинойилар учун ташкил этиладиган малака ошириш курсларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, соҳага доир давлат дастурларининг бажарилишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ҳудудида яратилган тажвид илмига оид манбалар таҳлили бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда Қуръон қироати илми кенг тараққий этгани, ҳудуддан етти хил қироатда чуқур билимларга эга Маъсумхожа Кеший, Ҳофиз Дўстмуҳаммад, Ҳофиз Бадриддин Бухорий, Ёрмуҳаммад Самарқандий каби етук олимлар етишиб чиққани, уларнинг “Қавоид ал-Қуръон”, “Дуррат ал-фарид”, “Мажмаъ ал-ажойиб” асарлари Марказий Осиё минтақасида асосий дарслик сифатида ўқитилгани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида «Абдулвоҳид қори Абдуррауф ўғли. Возих ат-тажвид» номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 16 октябрдаги 5177-сон маълумотномаси).

¹¹ Тасҳил ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №399), Тухфат ал-атфол (ЎзР ФА ШИ, №590), Асҳал ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №698), Тухфат ас-сибён (ЎзР ФА ШИ, №671), Фатҳ ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №732), Мунтахаб ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №590), Жомеъ ал-қори (ЎзР ФА ШИ, №301), Нақд ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №733), Возих ат-тажвид (ЎзР ФА ШИ, №591), ат-Тажвид ал-Мухаммадий (ЎзР ФА ШИ, №6457/VI).

¹² Рисолаи тажвид (ЎХИА МХ, №311/I), Қавоид ал-Қуръон (ЎХИА МХ, №311/VIII), Назми рисолаи тажвид (ЎХИА МХ, №311/IX), Рисолаи тажвид (ЎХИА МХ, №312/I) ва Рисолаи вакфи Ғуфрон (ЎХИА МХ, №312/II).

¹³ Қўлёзмаларнинг илмий тавсифларига оид каталоглардаги тажвид ва қироат илмига оид маълумотлар ҳамда тадқиқотга асос қилиб олинган асарлар ҳақида диссертациянинг 5-чи ва 6-чи иловасига қаралсин.

Натижада, тўғри ўқиш ва талаффуз қилиш борасидаги назарий маълумотлар бойитилган ҳамда етук олимлар ҳақида билимлар шакллантирилган;

ислом оламида машҳур «етти қироат»ни ўргатишга ихтисослашган «шотибийхона» номли махсус мактаблар XIX аср охирида ҳам Туркистонда фаолият олиб боргани, Бухорода жойлашган бундай мактаблардан бирида Абдуллоҳ хожа Аълам Бухорий ва Фахриддин Бухорий сингари маҳаллий олимлар дарс бергани тўғрисидаги хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфидаги билим юртлари талабалари учун Қуръон қироати ва тажвид фанларидан «Мовароуннаҳрда тажвид илмининг тараққиёти», «Қироат илми билан шуғулланган олимлар ҳаёти ва ижоди» номли мавзулар ҳамда буюртма асосида «Қироат ва тажвид фанидан қўлланма» номли дарслик мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг 2020 йил 06 ноябрдаги 2192-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг қироат ва тажвид бўйича билимлари бойитилиб, уларнинг ушбу фанларни мустаҳкам ўзлаштиришига таъсир этган;

«Ҳирз ал-амоний» асари нафақат минтақада, балки бутун мусулмон оламида ҳам қироат илмидаги муҳим қўлланмалардан бири бўлиб, 1914 йилда Тошкентда учта шарҳ билан бирга нашр қилинган 200 ададдаги нусхаси муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига мутахассис ва талабалар ўрганишлари учун махсус юборилганига доир хулосалар буюртма асосида «Бухоро таълим тизими тарихи» китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2020 йил 5 ноябрдаги 316/20 сонли маълумотномаси). Натижада, кенг жамоатчиликни юртимиз бой маданий-маърифий тарихи билан таништиришга эришилган;

XIX асрда Марказий Осиё мадрасаларида машҳур бўлган «Назм ал-қавоид» асарининг муаллифи ва ёзилиш даври манбаларда турлича кўрсатилишига қарамай, унинг исми Муҳаммад Зоҳид Ҳаравий, ёзилиш даври XVII аср охири экани, XIX аср бошида эса, «Манзума ал-қавоид» номи билан туркий тилга шеърий таржима қилингани ҳақидаги маълумотлар буюртма асосида «Буюк юрт алломалари» китоби мазмунига сингдирилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 18 ноябрдаги 03-26/21- сонли маълумотномаси). Натижада илмий-маданий жамоатчилик, хусусан, ёшларни соҳага оид маълумотлардан кенг хабардор этиш ва соҳа ходимларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ҳамда 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, ҳар бири учта параграфдан таркиб топган учта боб, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137

бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги маълум қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, амалда жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажвид ва қироат илмларининг шаклланиш тарихи ҳамда уларни ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида «Қуръоншунослик»нинг бошқа исломшунослик фанлари орасида тутган ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда, Мовароуннаҳрда қироат ва тажвид илмлари тарихи илмий асосда ёритилган, жумладан, минтақада бу соҳада яратилган манбалар тўғрисида маълумотлар берилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «*Тажвид ва қироат илмларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари*» деб номланган. Исламшунослик фанлари ҳадис, фикҳ, калом, фароиз кабилар билан бир қаторда Қуръонни ҳар томонлама ўрганишга қаратилган илмларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу илмлар умумий ном билан «Қуръон илмлари» деб аталади. Уларга тафсир, усул ат-тафсир, носих ва мансух илми, қироат ва тажвид кабиларни киритиш мумкин.

Қуръонни турли хил ўқиш у нозил қилинган илк даврда вужудга келган. Зеро, Қуръон араб тили шевалари ва лаҳжаларига мос равишда нозил қилинган. Қуръоннинг етти ҳарфда нозил қилинишига оид илмлар энг нозик мавзулардан бири ҳисобланади. Ушбу масала кейинги давр олимлари томонидан турли ёндашувлар асосида ўрганилиб, ҳар хил талқин қилинган. Жумладан, Ҳофиз Абу Ҳотим ибн Ҳиббон Бустийнинг келтиришича, одамлар бу борада ўттиз беш хил фикрни илгари сурганлар¹⁴. Бунга оид маълумотларни синчиклаб ўрганган олимлар Қуръоннинг етти ҳарфда нозил қилиниши унинг баъзи сўз ва ҳарфларини талаффуз қилишда ижозат берилган етти хилма-хиллик, деган хулосага келганлар¹⁵. Асрлар давомида Қуръон қироатининг мутавотир, машҳур ҳамда шозз деб аталувчи турлари шаклланган. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмада «Фотиҳа» сураси шозз қироатида қуйидаги шаклда ўқилиши қайд этилган¹⁶ ҳамда олимлар ва фақиҳларнинг яқдил фикрларига кўра, уни намозда ўқиш дуруст эмаслиги алоҳида қайд этилган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ. نَحْمَدُ اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ. الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ. مُلَّاكٌ يَوْمَ الدِّينِ. إِنَّا لَكَ نَعْبُدُ وَ إِنَّا مِنْكَ نَسْتَعِينُ. أَرْشَدْنَا السَّبِيلَ الْمُسْتَقِيمَ. سَبِيلَ الَّذِينَ مَنَنْتَ عَلَيْهِمْ سِوَى الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَ غَيْرِ الضَّالِّينَ.

¹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 30-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 257.

¹⁵ Абдуллоҳ Салоҳиддин, Раҳматуллоҳ Мирзақосим. Тажвид. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – Б. 12-13.

¹⁶ ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 10493/Х.

Шозз қироат турининг асосчилари – Ҳасан Басрий (110/728), Ибн Муҳайсин (123/740), Аъмаш (148/766), Яхё Язидий (202/818) кабилардир¹⁷.

Вақт ўтиши билан «етти ҳарф» тушунчаси ўз ўрнини «етти қироат»га бўшатиб берди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қуръоншунослик соҳасининг ривожланиши қироат ва тажвид илмлари тарихининг изчил ўрганила бошлашига замин яратди. Диссертациянинг кириш қисмида бу ҳақда сўз юритилган. Ушбу фаслда, асосан, қироат ва тажвид илмлари тарихини илмий ўрганишнинг назарий ва методологик жиҳатлари таҳлил қилинган. Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «*Мовароуннаҳрда тажвид ва қироат илмларининг шаклланиши ва ривож*» деб номланиб, унда минтақада тажвид илмининг кенг тарқалиши, машҳур қорилар ва қироат олимларининг илмий фаолияти ва ёзма мероси таҳлил қилинган.

Қуръонни тўғри ўқиш қонун-қоидалари мажмуи – тажвид илми Мовароуннаҳр ҳудудига ислом кириб келиши биланоқ кенг тарқалди. Муҳаддислар султони Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870)нинг шайхлари орасида ҳам қироат илмининг етук намояндалари мавжуд эди. Жумладан, Убайдуллоҳ ибн Мусо Абасий (213/828)ни мана шундай олимлардан бири дейиш мумкин. У машҳур қироат олимлари, «етти қироат»эгалари Ҳамза Зайёт (156/773) ва Имом Кисоий (189/805) кабиларнинг шогирди ҳисобланади. Абулқосим Ҳайсам Бухорий ҳам қироат олимларидан бўлиб, у Имом Бухорий яшаган даврда, IX асрнинг 50-йилларида шуҳрат қозонган.

Тадқиқотчи Д.Юсупованинг келтиришича, Темурийлар даврида: мавлоно Муъиниддин Фароҳий (907/1501), Амир Ихтиёриддин Ҳасан Турбатий, мавлоно Муъиниддин Воиз, Жамолиддин Атоуллоҳ (905/1499), Амир Сайид Аслиддин Абдуллоҳ Ҳусайний (883/1478), Ҳофиз Гиёс (873/1468), Шамсиддин Муҳаммад ибн Шарафуддин Усмон (901/1495), Низомуддин Абдуллоҳ, Хожа Имоуддин Абдулазиз Абҳарий, шайхулислом Сайфуддин Аҳмад Тафтазоний (917/1511), Камолуддин Ҳусайн Воиз Кошифий, Шамсуддин Муҳаммад Табадгоний (891/1486) каби диний илмларнинг (тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, қироат ва бошқа) етук олимлари фаолият олиб борганлар¹⁸.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга таниқли қироат олими Шамсиддин Жазарий (833/1429) ташриб буюриб, бу ерда бир муддат илмий фаолият олиб борган. У ўзининг тажвид илмига бағишланган машҳур манзумаси – «Муқаддимат ал-Жазарийя» асаридан талабаларга таълим бериш билан бир қаторда, Қуръон қироатидан ижозалар ҳам берган. XVI асрда самарқандлик олим Ёрмуҳаммад Самарқандий қироат ва тажвид илмларига оид «Қавоид ал-Қуръон» номли асар ёзган. Унда Имом Осим ва унинг ровийлари, қироатлари услуби ҳамда қоидалари батафсил зикр этилган. Ушбу манбанинг қўлёзма нусхалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Ушбу асардан мавлоно Алий Қори ўзининг «Муқаддимат ал-Жазарийя»га ёзган шарҳида фойдаланган.

Ҳофиз калон лақаби билан танилган Ҳофиз Бадриддин Бухорий қироат илмига оид «Дуррат ал-фарид» номли асар ёзган. XVII асрда яшаб ижод қилган

¹⁷ Шаъбон Муҳаммад Исмоил. ал-Аҳруф ас-сабъату ва-л-қироат ва ма йусару ҳавлаҳа мин шубҳатин. – Макка: Сакаф ал-адаби, 2001. – Б. 119.

¹⁸ Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира – С. 110-119.

Ҳофиз Дўст Муҳаммад ибн Ёдгор Вазирий «Мажмаъ ал-ажойиб» номли китобида етти, ўн ҳамда шозз қироатларга оид маълумотлар берилган. Муҳаммад Боқий ибн Турсун Муҳаммад ибн Бобожон ибн Мавлоно Мирон Бухорий Соктарий Субҳонқулихонга бағишлаб, Имом Шотибий қасидасининг форс тилидаги тўлиқ шарҳини яратган. Ушбу асар 1914 йили Тошкентда Мавлоно Алий Қори ва Муҳаммад Шўъланинг шарҳлари билан бирга нашр этилган. Буюк шоир Алишер Навоий ҳам Қуръони карим, хусусан, қироат ва тажвид илмлари ҳақида билимга эга бўлган.

Мовароуннаҳрда қироат ва тажвид илмларининг кенг тарқалишига айрим ҳукмдорлар бу илмларни мутахассислар даражасида чуқур билгани, алоҳида эътибор қаратгани ҳамда уларни ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтаргани ҳам сабаб бўлган. Жумладан, Ҳофизи Калон (927/1521) «ал-Муфрада ал-муфида» номли асарида шайбоний ҳукмдор Убайдуллоҳхоннинг тафсир, ҳадис, фикҳ, сарф ва наҳв илмларини чуқур билиши ҳақида маълумот берган¹⁹.

Қироат ва тажвид илмларининг энг атоқли вакилларида бири Шамсиддин Жазарий (833/1429) икки жилдан иборат «Ғоят ан-нихоя фий табақот ал-қурро» номли асар ёзган бўлиб, унда 3955 нафар Қуръон қорилари ҳамда қироат устозлари ҳақида маълумотлар берилган²⁰. Шамсиддин Заҳабий (749/1348) томонидан яратилган «Маърифат ал-қурро ал-кибор ʼала-т-табақот ва-л-аъсор» номли китобда эса 1242 нафар Қуръон қорилари ва қироат устозлари зикр этилган²¹. Айтиш мумкинки, мазкур қориларнинг қарийб учдан бир қисми ўзларидан илмий мерос қолдирганлар. Улар орасида мовароуннаҳрлик олимлар ҳам бўлиб, улар яратган асарларнинг барчаси ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ушбу асарларнинг айримлари ўша даврда шуҳрат қозонган, қолганлари эса қўлёзма ҳолида қолиб кетган. Масалан, «Ғоят ан-нихоя» асари муаллифининг келтиришича, Юсуф ибн Муҳаммад Хоразмий номли қироат олими тажвидга оид «ат-Такриб» деб номланувчи китоб ёзган. Бироқ, тадқиқот жараёнида дунё қўлёзма фондларида мазкур китобнинг қўлёзма нусхалари сақланаётгани ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамади.

Қуръонни тўғри ўқиш қонун-қоидаларига бағишланган қироат ва тажвид илмлари соҳасида мовароуннаҳрлик юзлаб олимлар фаолият олиб борганлар. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Асосий фондида сақланаётган нодир қўлёзма манбаларнинг аксариятини айнан тажвид илмига оид асарлар ташкил этади. Бироқ улар ҳақида умумий тасаввур берувчи маълумотлар деярли мавжуд эмас. Бирламчи ҳисоб-китобларга кўра, арабча манбаларнинг 141 таси, форсча ҳамда туркийча манбаларнинг эса 182 таси тажвид илмига оид қўлёзмалардир. Уларнинг катта қисмини Имом Шотибий (590/1194)нинг «Ҳирз ал-амоний», Шамсиддин Жазарий (833/1429)нинг араб тилида ёзилган «ал-Муқаддима» ҳамда маҳаллий олимлардан Мирзо Зоҳид (XVIII аср)нинг форс тилидаги «Қавоид ал-Қуръон» асарларининг нусхалари ташкил этишига қарамай, ҳали ўрганилмаган, дунё илмий жамоатчилигига номаълум, шу билан бирга, жаҳоннинг бошқа қўлёзма фондларида мавжуд

¹⁹ Ҳофизи Калон. ал-Муфрада ал-муфида. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2945. – В. 3⁶.

²⁰ Шамсиддин ибн Жазарий. Ғоят ан-нихоя фи табақот ал-қурро. 2 жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006.

²¹ Шамсиддин Заҳабий. Маърифат ал-қурро ал-кибор. 4 жилд / Таҳқиқ: Тайёр Олтиқулоч. – Истанбул, 1995.

бўлмаган бир қатор манбалар ҳам борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўтиборлиси, ушбу нусхалар ҳали илмий муомалага киритилмаган бўлиб, уларнинг аксариятига мукамал илмий тавсиф ҳам берилмаган. Тажвид илмига оид манбаларнинг аксари Мирзо Зоҳид қаламига мансуб «Қавоид ал-Қуръон» асарининг қўлёзма нусхаларидан иборат. Мазкур манба билан яқиндан танишиш жараёнида унинг устида алоҳида илмий тадқиқот олиб бориш зарурати мавжуд экани аниқланди.

Қўлёзмалар картотекаларида қайд этилишича, Асосий фондда мазкур асарнинг 63 та нусхаси сақланмоқда. Уларнинг аксарияти XIX асрда китобат қилинган. Шу билан бир қаторда, Дублет фондида ҳам унинг камида 60 та нусхаси мавжуд. Ҳамид Сулаймон фондида эса асарнинг 10 дан ортиқ нусхаларини учратиш мумкин. Қўлёзмалар картотекаларида муаллифнинг номи Мирзо Зоҳид, Зоҳид, Зоҳидий, Мулла Зоҳид, Мавлоно Зоҳид шаклларида берилган. У тўғридаги маълумотлар манбаларда деярли мавжуд эмас. Дублет фонди қўлёзмаларининг қисқача илмий тавсифини яратган мутахассислар «Назм ал-қавоид» асарининг муаллифи Мирзо Зоҳид Ҳаравий экани, у (1102/1690) йилда вафот этганини қайд этиб ўтганлар²². У Муҳаммад Зоҳид ибн Муҳаммад Аслам Ҳаравий бўлиб, ўз даврининг етук мутакаллим олимларидан ҳисобланган. У Кобулда мухтасиблик лавозимида фаолият юритгани сабабли унинг исми олдида Мир ва Мирзо сўзлари қўлланилган. У «аш-Шамсия», «ал-Мавоқиф» ва «Таҳзиб ал-мантиқ» каби калом илмига оид машҳур асарларга ёзган шарҳлари билан ҳам танилган. Ушбу шарҳларнинг тошбосма нусхалари бир неча бор нашр этилган²³. Манбаларда унинг «Рисола тасдиқ ат-тасаввур ва-т-тасдиқ» номли асар ёзгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд²⁴. Тадқиқот жараёнида мазкур асар Хуросонда эмас, балки Мовароуннаҳрда кўпроқ шуҳрат қозонгани аниқланган.

Тажвид илмига оид яна бир манба «Қавоид ал-Қуръон» деб номланади. Асар муаллифи XVII асрда яшаб ижод қилган олим Ёрмуҳаммад ибн Худойдод Самарқандийдир. Мазкур китобнинг 15 га яқин нусхалари мавжуд бўлиб, у шайбоний ҳукмдор Убайдуллоҳхонга бағишлаб ёзилган. «Қавоид ал-Қуръон» асаридан XIX-XX асрларда Туркистонда яшаган уламолар тажвидга оид рисоалар яратишда асосий манба сифатида унумли фойдаланганлар. Жумладан, Мир Зиё Жизахий томонидан ёзилиб, 1913 йилда Самарқандда чоп этилган «Асҳал ат-тажвид» асарининг «Ҳуруфларни риоя қилиб ўқумоқлик баёни» деб номланган фасли «Қавоид ал-Қуръон»нинг «Дар баёни риоят кардани ҳуруф» боби билан айнан бир хил эканини кўриш мумкин.

Ҳофизи Калон номи билан танилган бухоролик олим «ад-Дуррат ал-фарида» ва «Анис ал-қурро» номли асарларни ёзгани маълум²⁵. Муаллиф Убайдуллоҳхон ҳукмронлиги даврида Бухорода илмий фаолият олиб борган олимлардан бири ҳисобланади.

²² Қўлёзма учун қаранг: ЎЗР ФА ШИ, № Д 2578/II. ЎЗР ФА ШИ Дублет фонди қўлёзмаларининг қисқача илмий тавсифидан фойдаланишда яқиндан ёрдам берган институт катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Ҳ.А. Аминовга миннатдорчилик билдираман.

²³ Али Акбар Деххудо. Луғатнома. 8-жилд. – Техрон: Муассасаи инташорот ва чопи Донишгоҳи Техрон, 1993. – Б. 11084.

²⁴ Муҳаммад Зоҳид Ҳаравий. Рисола тасдиқ ат-тасаввур ва-т-тасдиқ. ЎЗР ФА ШИ, № 5330/VII. – В. 147^а-154^б.

²⁵ Ҳофизи калон. Ад-дуррат ал-фарида. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, №№ 10530; 10685/XI; 2945.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари картотекаларида №2945 инвентарь рақами билан сақланаётган Ҳофизи Калон қаламига мансуб яна бир асарнинг номи «Анис ал-қурро» деб берилган. Унинг қўлёзма нусхаси (927/1521) йили китобат қилинган бўлиб, автограф бўлиши ҳам мумкин.

Сидқий таҳаллуси билан ижод қилган фарғоналик олим Муҳаммад Содик ибн Абдулбоқи Фарғоний (1000/1591) йилда «Риёз ал-аброр» номли китоб ёзган. 41 варақдан иборат бўлган мазкур асар қўлёзмаси Қуръон кироати илмига оид форс тилида ёзилган ноёб манба ҳисобланади²⁶.

Дунёнинг қатор қўлёзма фондларида мовароуннаҳрлик олимлар томонидан яратилган, илмий муомалага киритилмаган, тавсифлари яратилмаган кўплаб қўлёзма манбалар сақланмоқда. Улар қаторида ислом илмлари, хусусан, тажвид илмига оид асарлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Мовароуннаҳрда яратилган, бизгача етиб келган тажвид илмига доир асарлар, асосан, XVI асрга тегишли манбалардир. XIX асрга келиб, бу борада бир қатор мўъжаз рисоалар, хусусан, тажвид илмини илк бошловчиларга мўлжалланган форс ва туркий тиллардаги назмий ҳамда насрий асарлар яратилди. XX аср бошларида мазкур асарларнинг ўндан зиёди тошбосма шаклда ҳам нашр этилган. Шу билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, ушбу китобларнинг муаллифлари ҳаёти ва илмий фаолияти, асарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳали илмий асосда тадқиқ этилмаган. Уларни ўрганиш Ўрта Осиё ва унинг маркази бўлмиш қадим Туркистон – Ўзбекистон илм-фани тарихининг ҳануз очилмаган айрим саҳифаларини тўлдириш жараёнида муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу асарларни тадқиқ қилиш орқали аجدодларимизнинг ислом цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссалари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **«XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон диний-маърифий муҳитида тажвид ва кироат илмларининг ўрни»** деб номланган. Ушбу бобнинг *«XIX аср охири – XX аср бошларида тажвид илмининг Туркистондаги ривожини»* номли биринчи параграфидида кўрсатилган даврда минтақада тажвид илми ривожининг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

XIX асрда Ўрта Осиё учта хонликка бўлинган ҳолда идора қилинган. Ушбу даврда Хива хонлигида Қўнғирот, Қўқон хонлигида Мингла, Бухоро амирлигида Манғитлар сулоалари давлат тепасига келган. Маърифатпарвар хон ва амирлар томонидан маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар илм-фан ҳамда олимларга бўлган муносабатнинг ижобий тус олишига сабаб бўлди. Миллий тикланиш ва ижобий ўзгаришлар барча соҳаларда сезила бошлади. Айниқса, мусулмон жамиятида Қуръон ва унга боғлиқ илмлар алоҳида ўрин тутгани ҳамда ҳукмдорларнинг эътибори остида қорила ва қорихоналар фаолияти сезиларли равишда яхшиланди.

Мунис Хоразмий (1778-1829) Қўнғиротлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Амин иноқ ҳақида зикр қилиб, унга «Уламо ва фузалонинг тавқир ва таъзимида (икром ва улуғлашда) муболаға кўргузур эрди», деб таъриф беради²⁷. У Муҳаммад Раҳим I (1806-1825)нинг ўсмирлик даври ҳақида эса: «Чун, синни

²⁶ Муҳаммад Содик Фарғоний. Риёз ал-аброр. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 6395/II. – 8^б-49^а в.

²⁷ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ал-икбол. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 5364/I. – В. 125^а-125^б.

тамйизга уруж қилиб, (оқ-қорани ажратадиган ёшга етиб) маротиби шабобга тараққий топди, улуми диний ва фазойили яқиний иктисобиға майл кўргузуб, илму фазилатда фариди замон ва нодири даврон бўлди», деб айтади²⁸. Шу билан бир қаторда, «Фирдавс ал-икбол» асарида Мухаммад Раҳимхон I қироат илмига алоҳида эътибор қаратгани, жумладан, талабаларнинг қироатини шахсан ўзи текшириб боргани, сарой масжидида тажвид илмидан дарс бергани, умуман, қироат ва тажвид илмларига давлат миқёсида аҳамият берилгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган²⁹.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бухоро амирлигида маъсум лақаби билан танилган Амир Шохмурод (1785-1800) ҳукмронлик қилди. У ёшлигида мадрасада таълим олиб, Қуръони каримни тўлиқ ёд олган. У «етти қироат»га оид машҳур Абулқосим Шотибий (590/1194)нинг «Хирз ал-амоний» номли асарини мукаммал билган³⁰. Манбаларда Бухоро ҳукмдорларидан Ҳайдар (1800-1826)нинг ҳам Қуръони каримни тўлиқ ёд олган қорилардан бўлгани зикр этилган. Жумладан, «Гулшани мулук» асарида шундай келтирилган:

رعیت پرور، دانا و عالم و نجی و متقی و حافظ کلام الله بود. با وجود اشتغال پادشاهی هر روز با چهار صد ملا درس میگفت

«У халқпарвар, доно, покиза, тақводор, Каломуллоҳнинг ҳофизи эди. Подшоҳлик ишлари билан бирга, ҳар куни тўрт юз нафар муллага дарс берарди»³¹. Ҳукмдорларнинг қироат ва тажвид илмлари билан шахсан шуғулланганлари минтақада мазкур илмларга қизиқиш юқори бўлганини кўрсатади.

Мазкур бобнинг «Қироат илми билан шуғулланган олимлар ҳаёти ва илмий фаолияти» деб номланган иккинчи параграфида минтақа олимларининг бу соҳада олиб борган фаолиятлари таҳлил қилинган.

Пўлотжон Домулла Қайюмов (1885-1964)нинг «Тазкираи Қайюмий» номли асарида бир қатор ижодкор қорилар, уларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида сўз юритилган, шеърларидан ҳам намуналар берилган³². Асарда келтирилган маълумотлар қорилар ўз даврининг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этганларини кўрсатади.

Пўлотжон Домулла Қайюмов «Қуръон қироати илмини ўрганган кишига қори дейилади», деб таъкидлаган ҳолда «қори» унвони кимларга берилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтган³³. Бошқа бир ўринда эса, «Қуръони шарифни тажвиди билан бир устоддан ўрганган кишига берилган унвон эгаси «қори» дейилади», деб зикр қилинган³⁴. Бу билан у Қуръонни шунчаки ёд олиб, хотирасида сақлаб юрган киши эмас, балки уни ҳифзида сақлаш билан бир қаторда, қироат илмидан хабардор ҳамда унга амал қиладиганлар ҳақиқий «қори» саналишини назарда тутган бўлиши мумкин. «Тазкираи Қайюмий»

²⁸ Ўша манба. – В. 199^а.

²⁹ Ўша манба, инв. № 5864. – В. 169^б-170^б (338-340).

³⁰ Исмоилов М. XVIII асрнинг охирларида Бухоро амирлиги маънавий ҳаётида Амир Шохмуроднинг ўрни // Тошкент Ислон университети илмий-таҳлилий Ахбороти. – № 2. – Тошкент, 2008. – Б. 49-53.

³¹ Мухаммад Яъқуб. Гулшан ал- мулук. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, № 1507/3. – В. 270^а.

³² Қаранг: Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: А. Қаюмов. – Тошкент, 1998. 1-жилд. – 1-246 б.; 2-жилд. – 247-469 б.; 3-жилд. – 470-712 б.

³³ Ўша манба. 2-жилд. – Б. 433.

³⁴ Ўша манба. 3-жилд. – Б. 540.

асарида номлари зикр этилган шоир ва адиблар орасидан қорилар ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Жумладан, мазкур қориларнинг аксари Фарғона водийсидан, қолганлари эса Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан экани қайд этилган.

Диссертациянинг ушбу параграфида бир қатор тазкира ва қўлёзмаларда номлари келган қорилар ҳақида маълумотлар жамланиб, таҳлил қилинди.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи *«Туркистонда қироат илми ҳамда шаклланган маҳаллий услуб ва ёндашувлар таҳлили»* деб номланиб, унда Қуръонни ёдлаш усуллари, қориларнинг бу борадаги ўзига хос ёндашувлари ҳақида сўз юритилган. Шу билан бир қаторда, ушбу параграфда XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида Абулқосим Шотибий (1144-1194) қаламига мансуб Қуръоннинг етти қироатда ўқилиши қоидаларига атаб ёзилган «Хирз ал-амоний» асари асосий қўлланма сифатида ўқитилгани бирламчи манбалар орқали аниқланди. XX аср бошларига қадар Ўрта Осиёда фаолият юритган қорихоналарда талабаларга берилган ижозатномаларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Минтақа қориларининг қироат илмидаги услуб ва ёндашувлари, хусусан, улар томонидан оятлар ўртасида тўхташ – «вақф ва ибтидо», «заллат ал-қори» каби масалаларнинг алоҳида ўрганилгани манбалар асосида ёритиб берилди.

Диссертациянинг **«XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда яратилган тажвид илмига оид манбаларнинг илмий-қийёсий тадқиқи»** деб номланган учинчи боби кўрсатилган даврда яратилган мавзуга оид манбаларнинг тавсифи, уларнинг илмий аҳамиятига бағишланган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *«Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида ёзилган тажвид илмига оид манбалар тавсифи»* деб номланган. Унда XIX асрда Тошкентда яшаб, араб, форс ва туркий тилларда ижод қилган адиб – Акмалхон тўра Тошкандий ҳақида маълумотлар илмий таҳлилга тортилган. Зеро, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти, хусусан, шеъринг соҳасига қўшган ҳиссаси, илмий мероси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу сабабли ушбу параграфда у ҳақда, унинг «Тажвид Умм ал-Китоб» деб номланган манзумаси ҳақида батафсил маълумотлар бериш лозим кўрилди.

Туркистонда тажвид илмига оид бир қатор китоблар ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти тошбосма шаклда кўплаб нусхаларда чоп этилган. Акмалхон тўра Тошкандийнинг «Тажвид Умм ал-Китоб» манзумаси мана шундай асарлардан бири ҳисобланади. «Фотиҳа» сурасининг тажвид қоидаларига бағишлаб ёзилган ушбу асар 1895 йилда Тошкент ва Бухоро шаҳарларида «ал-Мукаддима ал-Жазарийя» китоби билан биргаликда нашр этилган. Мазкур асар араб тилида битилган 24 та байтдан иборат бўлиб, биринчи ва иккинчи байтлари хутба, учинчи байти унинг ёзилиш мақсади баён этилган кириш қисми, тўртинчидан то йигирма учинчи байтгача асосий қисм, йигирма тўртинчи байти эса хулосадан иборат эканини таъкидлаш лозим.

Ушбу параграфда кўрсатилган даврда яшаб ижод қилган Домла Сайфуллох ўғли Абдунносирнинг «Тухфат ат-толибин», Ҳофиз Абдуллохнинг «Марғуб ал-қори», Исмоил қори Бухорийнинг «Қавоид ал-қироат» асарлари ҳам илмий таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда, унда XIX асрда яратилган тажвид

